

O'zbekiston adabiyoti va san'ati



ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • 2002-yil, 22-fevral • N 9 (3645)

ОБИХАЁТ — НОЁБ НЕЪМАТ

Йигирма биринчи асрнинг дастлабки йили якунланганига ҳам салкам икки ой бўлди. Хўш, ўтган йил мамлакатимиз ҳаётида қандай из қолди? Қайси соҳаларда кўзланган мақсадларга эришилди, турмушимизнинг бундан-да фаровон, бўлиши учун яна нималар қилишимиз керак?

14 феврал куни Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган мажлисда шу ҳақда гап борди. Йиғилишда мамлакатимиз Президентини Ислоҳ Каримов ўтган йилда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларига туб ўзгаришлар содир бўлганлигини қайд этди. Айниқса, макроиктисодиёт, чет эл инвестицияларини жалб этиш, автомобилсозлик, кимё соҳасида барқарорликка эришилганлигини таъкидлади.

Шу билан бирга ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Бу муаммолар одамларнинг ерга, сувга бўлган муносабатларида кўринади. Мамлакатимиз раҳбари бу ҳақда фикр юритиб шундай деди:

"Алоҳида эътиборимиз талаб қилинган яна бир масала борки, у

ҳам бўлса ичимлик сувини тежаш масаласидир, Яқин йиллар ичидаёқ бу масала энг кескин муаммолардан бирига айланиши, ичимлик суви эса энг ноёб ва қимматбаҳо табиий ресурс бўлиб қолиши мумкин".

Президентимиз нақадар ҳақ гапни айтганлигини, биргина Тошкентда ичимлик сувига бўлган муносабатдан ҳам билиш мумкин. Ҳозир бир кеча кундузда пойтахтимизда бир киши 370 литр сув сарфляпти. Дунёдаги бирорта шаҳарда бунчалик кўп сув ишлатилмайди. Масалан,

Парижда ҳар бир кишига 160, Брюсселда 85, Лондонда эса 170 литр ичимлик сув сарфланади.

Бу рақамларни кўриб ўйланиб қолсан киши. 370 литр сув нимага сарфланапти? Эътибор берган бўлсангиз кўп қаватли уйларнинг аҳолиси ҳовлидаги даракларни ичимлик суви билан суғоради. Автомобил ювиш шохобчаларида ҳам шу ҳолни кузатиш мумкин. На-

тижада сув беҳад кўп сарфланмоқда.

Албатта, шаҳарга дарахт ҳам керак. Лекин улар оқар сувлар билан суғорилиши лозим. Аммо шаҳардаги ариқларда сув оқмай қўйганига анча бўлган. Мавзёлар, кўп қаватли уйлар орасидаги ариқлар сув оқмагани учун кумулик кетган. Бу ишга тасадди бўлган раҳбарларнинг эса парвоёйи фалак.

Дунёда сув жуда қиммат товар ҳисобланади. Ҳар бир киши истемол қилган суви учун ҳақ тўлайди. Бунинг учун эса уйларга сув ўлچагичлар ўрнатиш керак. Ким кўп сув сарфлаётган бўлса, марҳамат қилиб, пулини тўласин. Шунда у тежамкорроқ бўлади. Лекин бу иш ҳам бизда қўйилмади. Сув ўлчигичларнинг етказиб бериш масаласи бир неча йилдан буён ҳал этилмапти. Бу борадаги муаммоларни тезроқ ҳал этиш зарур. Бинобарин, обиҳаётдан, табиатнинг ноёб неъматидан тежаб фойдаланишга доир маданиятни шакллантириш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиз.

Беккул ЭГАМКУЛОВ

ЎҚИНГ ВА УҚИНГ!

"Тафаккур"нинг 2002 йил 1-сон муқовасиёқ диққатни тортди. Жаҳоннинг ҳозирги аҳволу руҳиятининг фалсафий талқини журнал муқовасидаги таъсирда теран акс этган. Кеча ва кундузнинг рамзий ранглари — оқ-қора чизиқлари сатҳда ер шарининг мўъжаз шакли, унинг ярми нурдан ёришиб, қолгани қоронғулик қўйиши... Дунё шайида айна дамба шундай — нур ва соя, эзгулик ва ёвузлик кураши давом этаётир.

Бу фалсафий таъсир аслида "Тафаккур"нинг янги йилдаги илк сони мундарижасига янғ муносиб ишоратдир. Мун-



дарижадан эса ёруғлик ва жаҳолат кураши моҳиятини таъсирчан ёритган мақолалар жой олган. Хусусан, бош муҳаррир ёзди: "Ёвузлик, бедошлик иллатлари сарқитга айланиб, ўтмишга қолиб кетди? Ҳайҳот! Айниқса, дунёни ларзага келтирган Америка фожасидан кейин бу саволларга ижобий жавоб бериш мушкулдир".

Ҳа, АҚШда ўтган йил сентябрда рўй берган фожиа инсониятни сергаклантирди. Хўш, бундай нохушликларнинг туб сабаблари қанда? Журналнинг янги сонидати А.Эрканнинг "Барчага дахлдор ҳақиқат" мақоласида бу мавзуда атрофлича мулоҳаза юритилган.

буғунги кунда халқроқ муносабатларда ян-Давоми 4-бетда

Ҳайит кунларида обод диёрга Беҳад кут-бароқа ёғилар чиндан. Кўнгиллар шу қадар яқин баҳорга — Бағринг бахтга тўлсин муқаррам Ватан.



Баъзан турли тарихий сабабларга кўра қардош тилларнинг бир-биридан узоқлаша боруви — бор гап. Тилларнинг бир-бирларидан узоқлашиб кетиши ёки яқинлашиб қандайдир таъсирнинг иши эмас, балки объектив сабаблар оқибатидир. Бундай объектив сабаблар барча туркий тилларга, жумладан, ўзбек ва қозоқ тилларига ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмади, албатта.

Марказий Осиёда яшаб келаётган туркийзабон халқлар орасида сон жиҳатидан энг кўп ҳисобланадигани ўзбеклар билан қозоқлардир. Бу халқларнинг тиллари яқинлиги ва бу тилларнинг ўзига хос жиҳатларини таъкид қилиб ёзилган чин маънодаги илмий ишлар камлиги сир эмас.

Қозоқ тили билан ўзбек тилининг бир-бирига яқинлигини исботлашнинг ҳожаати йўқ. Бунга мисоллар кўп. Бу икки халқнинг "қозоқ — ўзбек" ёки "ўзбек — қозоқ" деган ўртоқ ном билан жаҳонга машҳур бўлгани ҳам мамнунга маълум. XV асрнинг ўрталарида турли тоифалардаги уруғлар биришиб, "қозоқ" деган ном билан

"ҚОЗОҚЧА-ЎЗБЕКЧА ЛУФАТ"

хонлик ташкил этганида Мовароуннаҳрдаги турғун халқлар "ўзбек" деган ном билан шу ерда яшаб қолгани тарихдан маълум. Бунинг қозоқлар унутгани йўқ. Улар "ўзбек — ўз оғам" деган гапни бекорга айтишмаган.

XX асрнинг охирида келиб Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркманистон, Озарбойжон, Қирғизистон жумҳурияларининг истиқлолга

мушарраф бўлиши кўнгилдаги воқеа бўлди. Тили, дили, дини, урф-одатлари тарихларини бир халқларнинг орасидаги йиллар ва даврлар силсиласида узилган қон-қардошлик робиталарини қайта улаш даври келди. Халқларимизни бир-бирларидан узоқлаштириш учун атайлаб қўйилган тўсиқларни олиб ташлаб, тилларимизнинг яқинлашувиغا имкон яратиб даври келди, деб ҳисоблайман.

Биз биринчи бор яратилган мазкур "Қозоқча-Ўзбекча луфат"ни ана шундай эзгу ниётлар йўлидаги ишлардан бири деб баҳолаймиз. Бу луфат қозирги ўзбеклар билан қозоқларга тилларимизнинг азиздан битта тил эканлигини билдириб туради. Биз бунга ишонамиз. Бу луфат туркийзабон халқларнинг бир-бирлари билан яқинлашувлари йўлида қўйилган қўсамлардан биридир, десак ҳам бўлади.

Энди луфатнинг муаллифи ҳақида икки оғиз сўз: Долимжон Сайфуллаев қадим

"ЗҲР ҚАРВОН ИҶЛИДА..."

Устоз Фахур Ғулмоға

Зўр қарвон йўлида эркесвар баҳор, Турфа овозларининг янгра сараси. Лек ошна дилларни қилиб интизор, Ҳамон соғинтирар шоир наъраси.


Тилсимига тортиб булбул навоси, Ёқса ҳам норларнинг ўгли нафаси, Шаштида қуёшни қўлаш даъвоси, Ҳануз соғинтирар шоир наъраси.

Гарчи таралса ҳам олис қафасдан, Кўкси тирикса ҳам чархнинг яраси, Қулоққа чалинган ҳар ўхшаш сасдан Ҳамон соғинтирар шоир наъраси.

Хор-зорларга меҳр нуридай татиб, Муруватдан етим жонинг барисин. "Сен етим эмассан!" дея юпатиб, Ҳануз соғинтирар шоир наъраси.

Зўр қарвон йўлида эркочар баҳор, Не-не овозларининг янгра сараси. Лек ошна дилларни қилиб интизор, Ҳамон соғинтирар шоир наъраси.

Акиф АЗАЛП



Бу сонда:

КҮН ТУҒАРДИН КҮН БОТАРҒА СЎЗИ ЕТГАН ЗОТ

2

ФҲРҚАТ ИСТИЛОЧИНИ МАҚТАГАНМИДИ?

3

МИЛЛИЙ ТЕАТРДА

Ўзбек Миллий академик драма театрида 25 феврал душанба кун соат 18:00да Ҳамид Олимжон номидаги Самарқанд давлат музыка драма театрининг маънавий аҳвалий йиллик йиғилиши бўлади. 2001 йилда яратилган болалар адабиётига доир асарлар хусусида маърузачи — шоира ва оlima Кавсар Турдиева.

Ийгилишни Болалар адабиёти кенгаши раиси Носир Фозилов бошқариб боради.

Болалар ёзувчилари, ноширлар, журналистлар, ўқитувчилар ва барча мухлислар таклиф этилади.

Болалар адабиёти кенгаши.

28 феврал, пайшанба кун соат 14.30да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Бадий наср кенгашининг аънавий йиллик йиғилиши бўлади. 2001 йил романчилиги, кичисчилиги ва ҳикоячилиги хусусида маърузачи — филология фанлари доктори, профессор Қозоқбой Йўлдошев.

Ийгилишни Бадий наср кенгаши раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримкул Қодиров бошқаради.

Ёзувчилар, ноширлар, журналистлар ва барча адабиёт илосмандлари таклиф этилади.

Бадий наср кенгаши.

Туркистоннинг Қоратўғ бағридаги шинамгина Қарноқ кентига тавалуд топган. Тошкентдаги Урта Осиё давлат дорулфундида таҳсил олган. Ҳикмат. Кентов шахридаги Маҳмуд Қошғарий номидаги ўрта мактабда дарс беради. Қозоқларнинг олимларию уламолари, шоирларию носирларининг асарларини мутолаа қилиб, қозоқ тилини мукаммал ўрганган. У мазкур луфатни тузишда бошқа қардош тиллар луфатларини ҳам изчил ўрганди. Натижанда 10 минг сўзни ўз ичига олган мазкур луфатни тузишга эришди. Бу — биринчи қадам. Шундай экан, унда ўзига яраша нуқсонлар бўлиши табиий. Ўйлаймизки, бундай камчиликлар қайта нашрлар пайтида тузатилади, тўдирилади. Биз дўстлик, қардошлик меҳри билан йўғрилиб яратилган бу эзгу ишни қўллаб-қувватлаймиз, унга дилдан оқ йўл тилаймиз.

Раҳмоқул БЕРДИБОВ, Қозоғистон Миллий фанлар академиясининг мухбир аъзоси, профессор

Буёқ инсонлар ҳаётлари жуда ҳам гаройиб эканликлари билан келажак авлодларни ҳайратларга солаверадилар. Улар ҳаётликларидан бор шижоату ғайратларини миллат, эл-юрт йўлида батамом бахшида этишга интилсалар-да, турмушнинг икки-чиркларни қўлларидан тутганидан, бу қийин кечеди. Аммо вафотларидан кейин фақат миллату Ватанини улуғлашга, дунёга кўз-кўз қилишга хизмат этидилар. Уларнинг шаъну шуқуҳлари туғайли Ватан обод бўлиб бораверали. Бу чиндан ҳам буёқларга хос фазилат, Оллоҳ берган қисматдир. Заҳриддин Муҳаммад Бобур халқимизнинг ана шундай манглай ёруғ, қадри банд, асил фарзандларидан саналади. Бор-йўғи қирқ етти ёшга кирган қирчиллама йигит, аслида эса беш юз тўққизини қоралаб қўйган донишманд мутафаккир аллома шоир яна бизларни Андижонга чорлади. Андижонда Бобур тавалуд муносабати билан бўлиб ўтган аънавий бобурхонлик кунларида мамлакатнинг таниқли адиб ва олимлари, Бобур ҳаёти ва ижодини илос билан ўрганувчи илм аҳли вакиллари жам бўлидилар.

Ким эканлигига қарамай, ҳаво очик, офтоб чарақлаб туради. Меҳмонлар Боғи Шамолда Бобурнинг рамзий қабрига ташриф буюрдилар, шоир руҳи ҳақиқа тиловат туширдилар, шаҳар марказида қал ростлаб турган салобатли ҳайкал пойнта гул қўйилди. Халқроқ Бобур жағмараси билан Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институтини томонидан режалаштирилган илмий анжуман Бобур туғилган мавзе — шаҳарнинг Чорбоғ маҳалласида, анжиргоғи шу ерда жойлашган Андижон Тиббиёт институтининг муҳташам залида бўлиб ўтди. Жағмарга раиси, кўк меросининг асраб-авайлашга фаоллик бўлиб келётган филолий инсон Эркиржон Машрабов Бобур жағмарасида амалга оширилётган ишлар ҳақида маъруза қилди.

Жағмарга даставвал Заҳриддин Муҳаммад Бобур меросини ўрганиш борасида бир неча талбирлар ўтказди, хориждаги илмий марказлар билан алоқалар боғлади, айрим мамлакатларда валколатхоналар очди, шоир асарларни қўлэмалари ва нашрларини излаб топди, музей ташкил қилди. Бобур Мирзо ҳаёти ва даврини ёритиб берган турли муаллифларнинг роман ва бадиалари ўзбек тилига таржима қилинди. Бобуршунос адиб ва олимларимиз ҳаммаша қўллаб-қувватлаб келинмоқда. Шу пайтгача Бобур Мирзо даври билан

боғлиқ саккиз китоб жағмарга ҳомийлигида дунё юзини кўрди. Ҳозир "Шарқ" концернида машҳур жаҳон "Бобурнома"нинг гўзал ва бетакрор нашрини тайёрлаш ишлари бошлаб юборилди. Шоир тавалудининг 520 йиллигига туҳфа қилинажак бу нашрга жағмарга ўн беш миллион сўм маблағ ажратилиши режалаштирилган...

Анжуманда жағмарга ҳомийлигида яқинда нашр этилган Хусайн Бойқаронинг ўғли Шоҳ Ғариб Мирзо — Ғарибийнинг ўзбекча ва форса девони ҳамда Сайфиддин Жақилонинг "Бобур ва Юлий Цезар" китоблари тақдирини ҳам бўлиб ўтди. Ғарибийнинг девонини Бобуршунос оlima Шафига Ёркин нашрга тайёрлаган. Шуниси диққатга сазоворки, Алишер Навоий ва Бобур Мирзолар назарига тушган Ғарибийнинг девони биринчи марта нашр этилди. Шунингдек, Бобур Мирзонинг янги девони топилганлиги ва у яқин кунларда ўқувчиларга тақдим этилажак ҳақидаги хушхабар барчани хушнуд қилди.

БОБУР РУҲИ КЕЗИБ ЮРИБДИ...

Анжуманда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримкул Қодиров, академик Азиз Қаномов, Археология институтини директори, профессор Термур Ширинов ва бошқа олимлар Бобур Мирзо ижоди, Андижон тарихи, бу кўна шаҳар ёши ҳақида турли тақлифларни ўртага ташладилар.

Андижонда бобурхонлик кунлари чиндан ҳам байрамга айланиб кетди. Юртимизда Бобур руҳи кезиб юрибди... Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтишни истардим. Андижонда вилоят ҳокимлиги томонидан болалар меросига, умуман, маънавий масалаларига жиддий эътибор берилаётгани кувончли ҳодисадир. Аънавий Бобур кунлари, шоир ижодининг ардоқланиши ва қадрланиши, зиёратхоналарини обод этилиши бунга ёркин мисол экани кўриниб турибди.

Заҳриддин Муҳаммад Бобур замондан зорланиб бир фазалида "Даҳрнинг мен кўрмаган жаҳру жафоси қолдиму?" деган сатрларни битган эди. Агар буёқ аждоғимиз унга инебатан бўлаётган бутунги эъзозу икромини ўз кўзи билан кўрганида, юқориди сатрларни ўзгартириб бундай ёзармиди экан:

Даҳрнинг мен кўрмаган меҳри вафоси қолдиму?...

Ҳа. Шоир агар шундай ёганида нечоғлиқ ҳақ бўлишини юрак-юрагиндан сезсан, киши...
Муҳаммад АЛИ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Машҳур адибимиз Пиримкул Қодировнинг "Юлдузли туллар" романи, унинг асосида суратга олинган видеофилм буёқ ватандошимизнинг ҳаёти ва ижодини оммалаштиришда катта аҳамиятга эга бўлди. Бу асар бир қанча чет тилларга таржима қилинган, урду тилида эса бир неча марта нашр этилди.

Роман 1986 йили Тошкентда ҳиндистонлик Манзар Салим томонидан урду тилига қилинган таржимада босилган. Ана Қодиров, Покистон китобхоналарида жуда манзур бўлди. Уша пайтда нашриётга, Ўзбекистон радиосига қолган қўллаб мақтублар шундан далолат беради.

Бир неча йил бурун роман Покистоннинг Лоҳур шаҳрида чоп этилган эди. Мана, энди қўлимизда Кароичиди "Рактааб Пабликэйшн" нашриётида чиққан "Заҳриддин Бобур". Муқова "Бобурнома"га ишланган миннаторлардан бири билан безатилган бўлиб, унда

шартларини аъло даражада улдасидан чиққанлигини алоҳида таъкидлайди.

Ҳиндистон, Покистонда чиққан тарих китобларида Бобур асосан саркарда, фотиҳ, саптанат асосчиси сифатида таърифланади. Ш.Сиддиқий таърихий романидан фарқ қилади, ундаги киши исмлари ва ую номларию воқеа-ҳодисалар — ҳаммаси ҳақиқийдир. "Маъмур роман, — деб фикрини давом эттирди Ш.Сиддиқий, — ҳеч шубҳасиз, жуда муҳим эпик романдир, бун-

"ЗАҲИРИДДИН БОБУР" ЯНА ПОКИСТОНДА

дайд йирик романини эса чуккур мушоҳадасиз, атрофлича мутолаа қилмасдан туриб ёзиш мумкин эмас. Тарихий роман ёзишнинг асосий шарти — кенг қўлимда мутолаа, воқеаларни тадқиқ этишдан иборатдир". Покистонлик адиб ўзбек ёзувчисининг бадий маҳоратига юксак баҳо беради, унинг тарихий мавзуда роман ёзишнинг барча

—Очигини айтганда, — ёзади сўзбоши муаллифи, — адиб ушбу роман орқали Заҳриддин Бобурни қайта кашф этган, унга янги шакл-шамойил бахш этган.

Ш.Сиддиқий ўзбек адибининг қисқача таржимаи ҳолини келтириб, асарларини санаб ўтади ҳамда ушбу "Сўзбоши"ни ёзишга Кароичи шаҳридаги маданият марказининг раҳбари Т.Холмирзаев домла билан бўлган бир суҳбат туртки бўлганини зикр этади.

Покистонда хизмат сафари чоғида бир покистонлик ёзувчи дўстим "Бобур" романини урду тилида ўқиб чиқиб менга "Мана бундан роман деса бўлади!" деган эди кўзларида ҳайрат билан. Бундай таърифга бошқа сўзининг ҳожаати бўлмас керак.

Ансориiddин ИБРОҲИМОВ

